

ЎТМИШГА НАЗАР

3 - МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК - 3

LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE - 3



Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

«Ўтмишга назар» илмий журнали тахририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала «Взгляд в прошлое»
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Зияева Доно Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори, Телави
давлат университети, Грузия

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори, Телави
давлат университети, Грузия

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети, Қозоғистон

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Гоффоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор,
Самарқанд давлат тиббиёт институти

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
профессор, Телави давлат
университети, Грузия

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Санпова Камола Давляталиевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор,
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Россия ФА, Санкт-Петербург
Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Давлат тарихи институти, Қозоғистон

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Ал-Фаробий номидаги Қозоғистон
Миллий университети, Қозоғистон

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон миллий университети

Алиева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети

Талапов Бахриддин Алижанович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Наманган давлат университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

1. Алима Ауанасова ҚОЗОҒИСТОН ХАЛҚ АССАМБЛЕЯСИ – МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК ВА БИРДАМЛИКНИНГ САМАРАЛИ МОДЕЛИ.....	5
2. Максим Моисеев РОССИЯ ПОДШОЛИГИ ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР ТАРИХИГА ОИД ЯНГИ ТОПИЛГАН ҲУЖЖАТЛАР.....	11
3. Рахбар Холиқова TURKISTON O‘LKASIDAGI MILLIY OZODLIK HARAKATLARI TARIXIDAN (MARDIKORLIKKA SAFARBARLIK VA UNING OQIBATLARI).....	21
4. Ибройим Махкамов, Хамиджон Шахобов, Умида Носирова ЖАДИДЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҚАРАШЛАРИ ВА УНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ.....	29
5. Дурдонахон Муродова ЖАНУБИЙ ФАРҒОНА ШАҲАРСОЗЛИГИДА МАРФИЛОН. ДАСТЛАБКИ АНТРОПОГЕН ЛАНДШАФТЛАР (ЁЗМА МАНБАЛАР ВА АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРДА).....	36
6. Авазбек Мирзаев ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ПАХТА САВДОСИ ВА ТОЛАНИ МЕТРОПОЛИЯГА ТАШИБ КЕТИЛИШИ МАСАЛАЛАРИ.....	42
7. Саҳодат Муртазова “МАҚОМ” ФЕСТИВАЛИ – ХАЛҚАРО МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ.....	48
8. Шухратжон Абдуллоев БУҒДОЙНИНГ ИЛОҲИЙЛАШТИРИЛИШИ БЎЙИЧА МОДДИЙ ВА ЁЗМА МАНБАЛАР.....	54
9. Исломбек Бобожонов ТОШКЕНТ ШАҲАР МАҲАЛЛАЛАРИДА ЁШЛАР ЎРТАСИДАГИ МАЪНАВИЙ- МАЪРИФИЙ ФАОЛИЯТДА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК (1991-2019 йй.).....	63
10. Бобурмирзо Ботиров ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИГА ОИД ҚУРЪОНИ КАРИМДА КЕЛГАН НОРМАЛАР ТАҲЛИЛИ.....	69
11. Хумоюн Назаров ШИМОЛИЙ БАҚТРИЯНИНГ КУШОН ДАВРИ ҚЎҲНА ШАҲАРЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИДАН.....	81
12. Баҳрам Намозов ҚУТЛУҒ БАШАРОВ ИЖОДИГА НАЗАР.....	90
13. Файзулла Очилдиев XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ - XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДА ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАР ВА СОЛИҚ ТУРЛАРИ.....	96


14. Turdigul Omirzakovna QORAQALPOQ XALQINING XOTIRALARIDAGI VA MEMUARLARIDAGI IKKINCHI JAHON URUSHI.....	105
15. Мухиддинжон Примов XX АСРНИНГ 60-ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН КАРТОГРАФИЯСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИГА ДОИР.....	113
16. Азиз Равшанов ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДАГИ ЙИРИК САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИГА ҚИСҚАЧА НАЗАР (1991-2020 йиллар).....	120
17. Гулчехра Рахимова ОЛМАЛИҚ ШАҲРИДА ЭКОЛОГИК ҲОЛАТНИНГ ЎЗГАРИШ САБАБЛАРИ.....	127
18. Екатерина Смесова ВЕРА КОМИССАРЖЕВСКАЯ ВА ТУРКИСТОН ЎЛКАСИНИНГ ТЕАТР САНЪАТИ ТАРИХИ САҲИФЛАРИДАН.....	134
19. Жасур Савриев НАВОИЙ ВИЛОЯТИДАГИ “РАБОТИ МАЛИК” ҚАРВОНСАРОЙИНИНГ ҚУРИЛИШ ЛОЙИҲАСИ ВА МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДАГИ ТАЪМИРЛАНИШ ТАРИХИ.....	140
20. Музаффар Тожибоев ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИДА МИЛЛИЙ ВА УМУМБАШАРИЙ ҚАДРИЯТЛАР ТАРИХИНИНГ ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ.....	156
21. Сайёра Тураева ЧОР РОССИЯСИНИНГ ЎРТА ОСИЁГА 1840 ЙИЛЛАРДАГИ ЭКСПЕДИЦИЯЛАРИ: ГЕОЛОГИК ВА ИҚТИСОДИЙ, СИЁСИЙ АСПЕКТЛАРИ.....	163
22. Тўракул Ҳасанбоев ЖИЗЗАХ ВОҲАСИ СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА (ЁЗМА МАНБАЛАР АСОСИДА).....	170
23. Шермухаммат Эрназаров МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАРҒИБОТИДА ТАРИХИЙ ВА СИЁСИЙ ОНГНИНГ АҲАМИЯТИ.....	176
24. Ахмеджон Юсупов САРИҚАМИШБЎЙИ ВА УЗБОЙ САРҲАДЛАРИ ЁДГОРЛИКЛАРИДА АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР ТАРИХИДАН.....	185
25. Алишер Эсанов ЎЗБЕК РОМАНЧИЛИГИ АСОСЧИСИ АБДУЛЛА ҚОДИРИЙНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУНОЗАРАЛАР.....	193
26. Миролим Бердикулов ТЎДА-1 НЕОЛИТ МАКОНИ ТОШ ҚУРОЛЛАРИ (2017-2018 йиллардаги қазилма материаллари асосида).....	197

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Сайёра Рустамбаевна Тураева,
Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси
Харбий-техник институти
Гуманитар ва ижтимоий фанлар кафедраси
катта ўқитувчиси, тарих фанлари номзоди
Sayyora_tura@mail.ru

ЧОР РОССИЯСИНИНГ ЎРТА ОСИЁГА 1840 ЙИЛЛАРДАГИ ЭКСПЕДИЦИЯЛАРИ: ГЕОЛОГИК ВА ИҚТИСОДИЙ, СИЁСИЙ АСПЕКТЛАРИ

For citation: Sayyora R. Turayeva, EXPEDITIONS OF TSARIST RUSSIA TO CENTRAL ASIA IN 1840: GEOLOGICAL, ECONOMIC, AND POLITICAL ASPECTS. Look to the past. 2020, Special issue 3, pp.163-169

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.6583203>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Чор Россиясидан Бухоро хонлигига келган тоғ-кон муҳандиси К.Ф.Бутенев бошилигидаги геологик-қидирув экспедицияси фаолияти ёритилган. Шунингдек, мақолада Чор Россияси ҳукумати томонидан сиёсий ва иқтисодий мақсадларни назарда тутиб, ушбу экспедиция аъзолари ва тоғ-кон муҳандисларига берилган махсус махфий кўрсатма ва вазифалар ўрганилган ҳамда таҳлил этилган. Мақолада турли манбалар ўзаро қиёсий таҳлил қилинган ва якуний хулосалар берилган.

Калит сўзлар: Бухоро хонлиги, экспедиция, К.Ф.Бутенев, тоғ-кон муҳандиси, махфий кўрсатма, табиий бойликлар, фойдали маъданлар, металл руда, пўлат, чўян, алюминий, нефть, газ, марганецли рудалар, қимматбаҳо тошлар, геологик қидирув-разетка ишлари, тупрокнинг геологик тузилиши, саноатни хом ашё ресурслари билан таъминланиши, маҳаллий усуллар, пўлат куйиш, инглиз – рус рақобати, сиёсий мақсадлар, савдо муносабатлари.

Сайёра Рустамбаевна Тураева,
Старший преподаватель кафедры
гуманитарных и социальных наук
Военно-технического института
Национальной гвардии Республики Узбекистан,
кандидат исторических наук
Sayyora_tura@mail.ru

**ЭКСПЕДИЦИИ ЦАРСКОЙ РОССИИ В СРЕДНЮЮ АЗИЮ
В 1840 ГОДУ: ГЕОЛОГО-ЭКОНОМИЧЕСКИЕ, ПОЛИТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ**

АННОТАЦИЯ

В статье описывается деятельность геологоразведочной экспедиции под руководством горного инженера К.Ф. Бутенева, приехавшего в Бухарское ханство из царской России. В статье также исследуются и анализируются секретные инструкции и задания, данные членам этой экспедиции и горным инженерам царским правительством в политических и экономических целях. В статье проводится сравнительный анализ различных источников и даются окончательные выводы.

Ключевые слова: Бухарское ханство, экспедиция, К. Ф. Бутенев, горный инженер, секретный задачи, природные ресурсы, полезные ископаемые, металлическая руда, сталь, чугун, алюминий, нефти, газа, марганцевых руд, драгоценных камней, геологоразведка, геологическое строение почвы, сырье для промышленности, местные методы, стальное литье, англо-российская соперничество, политические цели, торговые отношения.

Sayyora R. Turayeva,

Military – technical institut of the National
Guard of Republic of Uzbekistan,
Ph.D. The department of Humanitarian
disciplines senior teacher
Sayyora_tura@mail.ru

**EXPEDITIONS OF TSARIST RUSSIA TO CENTRAL ASIA IN 1840: GEOLOGICAL,
ECONOMIC, AND POLITICAL ASPECTS****ABSTRACT**

The article describes the activities of a geological exploration expedition led by mining engineer K.F. Butenev, who came to the Bukhara Khanate from Tsarist Russia. The article also investigates and analyzes the secret instructions and assignments given to the members of this expedition and the mining engineers of the tsarist government for political and economic purposes. The article provides a comparative analysis of various sources and provides final conclusions.

Index Terms: Bukhara Khanate, expedition, K.F. Butenev, mining engineer, secret tasks, natural resources, minerals, metal ore, steel, cast iron, aluminum, oil, gas, manganese ores, precious stones, geological exploration, geological structure of the soil, raw materials for industry, local methods, steel casting, Anglo-Russian rivalry, political goals, trade relations.

1. Долзарблиги:

Жамиятнинг цивилизацияси табиий бойликларни ўзлаштириш, ишлаб чиқаришга жалб этиш кўлами билан боғлиқдир. Ишлаб чиқаришга турли маъданларни, тошларни, металл турларини жалб этиши, ўзлаштирилиши инсониятнинг ўзининг тараққиёт даражасидан янада бир юқори босқичга кўтарилишини англатган. Жамиятнинг тараққиёт босқичларининг номлари ҳам буни тасдиқлайди: тош даври, темир даври, бронза даври. Бугунги кунда қайсидир мамлакатнинг табиий фойдали қазилмаларидан фойдаланиш даражаси ушбу давлатнинг тараққиёт кўрсаткичини ҳам белгилайди. Бугунги кундаги замонавий давлат кудрати, унинг аҳолисининг фаровонлиги кўп жиҳатдан қанчалик ер ости ва усти фойдали қазилма бойликларидан самарали ва кенг кўламли фойдаланишга боғлиқ. Қайсидир давлат кудрати ҳақида гап кетганда, биз дастлаб шуни назарда тутамизки, бу давлатда қанча пўлат ёки чўян, алюминий, қанча миқдорда тошкўмир, нефть, газ, марганецли рудалар қазиб олинди, қанча электр энергия ишлаб чиқаришга эътибор қаратилади. Ҳар қандай давлатнинг саноатлаштирилиши бевосита унинг хом ашё материаллари билан таъминланишидан бошланади. Саноатни хом ашё ресурслари билан таъминланиши эса геология соҳасининг тараққиётига боғлиқдир.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар тарихийлик, қиёсий мантиқий таҳлил, холислик тамойиллари асосида ёзилган. Шунингдек мавзунини ёритишда тизимли таҳлил,

кантент анализ, фактларнинг ички алоқадорлиги ва ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш, ўрганилаётган масаланинг индуктив ва дедуктив фикрий операцияларининг натижаларини умумлаштириш, қиёслаш каби усуллардан фойдаланилди. Мавзунинг методологияси ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи концепциясида белгиланган устувор илмий қоидаларга таянилди. Мазкур мақола Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги ПФ- 4947 “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги” фармони, 2020 йил 24 январдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий мажлисга мурожаатномаси” ҳукукий- меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муаян даражада хизмат қилади.

3. Тадқиқот натижалари:

Геологик тадқиқотлар Ўзбекистоннинг тарихий ҳудудида XIX асрнинг 30 йилларидан бошланган бўлсада, XIX асрнинг охири Чор Россиясининг Ўрта Осиёни босқинидан кейин янада жадаллашган. 1839 йил Бухоро хони Насруллоҳхон (1826-1860) Никалай I ҳузурига Балтақулибек Раҳматбековни элчи қилиб юборган. Элчига “Бухоро ерларига бу ердаги фойдали маъданлар, металл руда ва қимматбаҳо тошлар мавжуд жойларни қидириш учун тоғ-кон инженерларидан юборишини” сўрашга йўналтирилган мазмундаги мактуб билан мурожаат этган. Бухорога рус тоғ-кон муҳандис - капитани Ковалевский жўнатилган. Аммо у ўзига юклатилган вазифани Хивага қарши Россия ҳарбий юришлари бошланганлиги туфайли бажара олмаган. 1840 йил охирида Россия элчилари Ўрта Осиё хонликлари ҳукмдорлари билан музокаралар олиб боришга, ҳамда маҳаллий ҳудудни ўрганишга, кузатувлар олиб бориш ишларига масъул гуруҳ тузилиб, мазкур вақтда Оренбургда бўлган марказий штабнинг капитани Никифоров ушбу миссияга раҳбар этиб тайинланган. У Россиянинг Хивадаги муваққат агенти бўлиши лозим эди. Россиянинг доимий агенти этиб, Оренбург чегара комиссиясининг поручиги Аитов юборилган бўлиб, “бу киши Хонга яқин амалдорига қариндошлик ришталарини боғлаб, Никифоровга фойдали шахс бўлишига шубҳа йўқ” эди. Мазкур шахслар Бухоро ва Хиванинг Россиядан қайтаётган элчилари ҳамроҳлигида 1841 йил 1 майда Оренбургдан йўлга чиқиши кўзда тутилган эди. Оренбург генерал- губернатори В.А. Перовский яна бир миссияни таркибини тузди. Ушбу миссия таркибида Россия ҳукуматида содиқ хизматда бўлган **бир неча қирғиз ва икки юз казак** киритилди. Бу миссияга раҳбар этиб тоғ-кон муҳандиси майор К.Ф.Бутенев (1805-1869) тайинлаган. Ушбу хизмати эвазига К.Ф.Бутеневга подполковник унвони берилган эди.

1841 йил 11 февралда тоғ-кон муҳандислари Корпусининг бошқарувчиси К.Ф.Бутеневга махфий кўрсатма берилганлиги қайд этилади. Махфий кўрсатманинг мазмуни қуйидагича бўлган: “Ўтган йили (1840) йил Бухоро хонининг илтимосига кўра, тоғ-кон текшируви ҳамда фойдали маъданлар, металл руда, қимматбаҳо тошлар мавжуд конларни аниқлаш мақсадида экспедиция юборилган эди. Ушбу экспедиция Хивага ҳарбий ҳаракатлар бўлганлиги боис, Оренбургга қайтиб келган. Россия ҳукмдори Бухорога хон билан келишувга биноан шу йил (яъни1841йил) баҳорда яна экспедиция жунатиш мақсадида эканлигини билдиради”[1: 82].

Экспедиция таркибида асосий ходимлар: **2та тоғ-кон муҳандиси, битта штейгер (кон ишини бошқарувчи мутахассис) ва 2 та тоғ-кон корпуси маъмуриятидан усталар, таржимон, топрграф, олтита казак ва Ташқи ишлар вазирлиги ва Оренбург ҳарбий губернатори томонидан тавсия этилган саккизта қирғиз киши** ташкил этган. Қолган шахслар экспедиция аъзоларини буюмлари билан чегарагача кузатувчи бўлган.

К.Ф.Бутаков миссиясини 1841-1842 йилларда Ўрта Осиёда бўлганлигини маҳаллий манбалар ҳам тасдиқлайди. Мазкур даврда Бухоро хони Насруллоҳхон инглиз ҳарбий зобити Стоддарт ва Каноллини зиндонбанд (1838- 1842)этган эди. Уларни Афғонистонга юборишларини сўраб Англия маъмурияти Россия ҳукумат доираларга музокаралар уюштириб, улар К.Ф.Бутаков орқали ушбу ҳарбий зобитларни озод қилишга уринганлар. Аммо бу ишлар натижа бермаган. Хусусан, Мирзо Олим Махдум хожи ўзининг “Тарихи Туркистон” асарида бу воқеани қуйидагича қаламга олган : “... Бу ишдин хабар олиб, инглиз ҳукумати Русия давлатига мурожаат қилиб, бошқа маслаҳат ила Бухорога юборилмиш Русия

маъмури жаноб Бутакуф/ Бутаков воситаси ила полковник Сутуд Дорат озод қилиниб, афғон сарҳадига юборилмоғини талаб қилди. Бу хусусда жаноб Бутакуфга Питрограддин амр берилди. Лекин амир Насруллоҳхон Русиянинг илтимосига ҳам қулоқ солмаган. Ҳаттоки, Русия элчиси Бутакуфни талаб қилган, от устуда кўрушиб қолди....” [Mirzo Olim Mahdum Haji. History of Turkestan. - Tashkent. “Yangi asr avlodi” Publishing House, 2009. - B. 186.]

1841-1842 йилларда Бухорога келган К.Ф.Бутаков миссиясининг олдида Россия маъмурияти қуйидаги мақсад ва вазифаларни белгилаб берган эди. Олим А.В. Постников Россия империясининг ташқи сиёсий архивида сақланаётган ҳужжатлар орқали аниқлайдики, Ташқи ишлар вазирлиги томонидан К.Ф.Бутаковга берилган махфий кўрсатмалар берилади. Яъни унга кўра, “шу йилнинг (1841) март ойи охиридан кечиктирмай жаноб ҳарбий губернатор генерал-адъютант Перовскийга мурожаат қилинг, ундан сиз ва саёхат учун зарур бўлган барча нарсалар билан таъминланаси, сўнгра жўнаб кетасиз. Оренбург шаҳрида у сизнинг жамоангизга, сизга, ишониб топширилган топшириқда сизга ёрдам бериш учун тайинланганлар таркибига Златоуст заводларида тажриба орттирган лейтенант Богусловский II сизга ёрдамчи қилиб юборилади, ҳамда битта уста, қидирув ва ривожланиш билан таниш бўлган бригадир, иккита тоғ кон ишлари бўйича ҳунарманд усталар, улардан бири олтинли кум таркибидаги олтинларни ювиб олиш усуллари билан яхши таниш бўлган, иккинчиси эса темир, айникса, пўлат қуйиш ишлари билан яхши таниш. Ушбу шахслардан ташқари Ташқи ишлар вазирлиги ва Оренбург ҳарбий губернатори тавсиясига кўра, таржимон, топограф, олтига казак ва саккиз қирғиз кишилар ҳам экспедицияда қатнашади. Бу одамлар, албатта, ўзларининг маҳаллий ҳокимият вакиллари томонидан зарур бўлган барча нарсалар билан таъминланган, кончиларнинг қуйи маъмурлари каби одоб билан бир хил, масалан: маҳаллий шароитга мос равишда оч кўк жиякларган яшил ярим тўн кийишларини ва зарур бўлса кўлларида шамшир бўлиши мумкинлигига кўрсатма олган эди.

К.Ф.Бутаковга тоғ-кон муҳандислари Корпусининг бошқарувчиси томонидан (шахси кўрсатилмаган) қуйидагича ёзма кўрсама берилган: “Бухорога этиб борганингизда, Бухоро ҳукумати хоҳишига кўра ва кўрсатмаларга биноан фойдали ва энг муҳим қимматли фойдали қазилма конларини қидириш ва иложи борича уларни қазиб олишни ташкил этиш билан шуғулланасиз, ҳаракатларингизни маҳаллий шароит ва минтақа усуллари билан ҳисобга олиб бажаринг. Маҳаллий усуллардан шу пайтгача биз учун умуман номаълумларини кузатинг. Аммо, Бухоро ҳақида аллақачон умумий бўлган маълумотларга кўра, сизнинг тоғ-кон тадқиқотингизнинг асосий мавзуси ушбу мамлакатда олтин қазиб чиқаришни жорий этиш бўлиши керак деб тахмин қилиш мумкин. Сиз ва сизнинг ёрдамчингиз лейтенант Богословский II маҳорат билан ишлатадиган баъзи оддий механик ва гидравлик қурилмалар ташкил этилиши айникса фойдали кўриниши мумкин. Ва ниҳоят, пўлатини қайта ишлашга эътибор беринг, Бухорода у азалдан маълум бўлган, бизнинг мамлакатда бу яқинда Златоустда ишлов бериш сезиларли даражада яхшиланган. Шунинг учун у ердан сизга ушбу иш билан банд бўлган битта ҳунарманд тайинланган. Шу жумладан Осиё департаменти тасарруфига махсус миқдордаги маблағ ажратилган бўлиб, яна Златоуст заводининг пўлат қуролларининг баъзи намуналаридан совға тариқасида ўзингиз билан олиб кетасиз. Бухорода бўлганингизда, иложи борича Бухоро тупроғининг геологик тузилиши, ушбу мамлакатнинг ажойиб иқлими ва табиий ҳолати тўғрисида маълумот тўплашга ҳаракат қилишингиз керак; унинг тоғ-кон бойликлари айникса, қимматбаҳо металллар ва тошлари ҳақида ҳамда қўшни давлатлар билан уларнинг савдоси масалан феруза тоши савдоси ҳолати ҳақида маълумотлар тўпланг. Маҳаллий тоғ-кон маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳолати, бухороликларга яхши маълум пулатга ишлов беришнинг Хуросон ва ҳинд усуллари, яна бир қанча яхши маълум маҳаллий усуллари сирини ўрганишга ҳаракат қилинг. Бухорода металлларни ва бизнинг тоғ-кон заводларимиз маҳсулотларини савдоси тўғрисида; - бу бизнинг (Россиянинг) маҳаллий нархларимизга нисбатан маҳаллий нархлар тўғрисида; - бу сотиладиган жойлар тўғрисида; - ушбу бозорни кенгайтириш воситалари ҳақида: сотиш нархларини пасайтириш, бу жойларга тоғ-кон маҳсулотини олиб келиб сотиш ва ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, ёки Осиёликлар диди ва ушбу мамлакатларнинг

эхтиёжларига мувофиқ маҳсулот ишлаб чиқариш йўллари ахтаришлозимлиги, ниҳоят, Бухоро ва унга қўшни ерларда сотиш учун янги ва фойдали маҳсулотни яратиши мумкин бўлган тоғ-кон фабрикаларимизнинг ишлари тўғрисида маълумот тўплашда астойдил сайи ҳаракат қилинг. Сиз, айниқса, Бухоро ва қўшни мамлакатларда савдо алоқаларида Урал ёки Сибирдан яширин йўллар билан олтин савдоси амалга оширилмайдими ва агар у мавжуд бўлса, унда қандай асосий йўллар бор ва уни қай даражада аҳамиятли деб ҳисоблаш мумкин? Сиз бизнинг Осиё билан савдо-сотикимиз ҳақида маълумотлар тўпланг ва бу ерда мануфактура Департаментининг қайси буюмларга асосан махсус кўрсатмалар тавсия этилишига эътибор қаратинг. Имконият пайдо бўлганда, сиз менга асосий фаолиятингиз ва муваффақиятларингиз ҳақида ҳисобот бериб турунг. Россияга қайтиб келганингиздан сўнг, сиз юқорида келтирилган барча маълумотларни, шунингдек ўзингизнинг ишингиз давомида тўлиқ ҳисоботни ва тоғ-кон ишларида эришилган ютуқларни тақдим этасиз, уни бутун иш сафари давомида кун сайин сақлашингиз керак бўлган саёҳат журналининг илова қиласиз. Ташқи ишлар вазирлиги ва ишлаб чиқариш вазирлигидан олинган кўрсатмалар бўйича ҳисобот, тегишли равишда алоҳида равишда топширилиши керак. Сизни юқоридаги топшириқни бажаришингиз учун алоҳида эҳтиёткорлик, кузатувчанлик ва тезкорликни талаб қилади. Сизни танлаганимиздан ва сиз уни муваффақиятли бажариш учун барча хоҳишингиз ва махсус қобилиятингизни ишлатишингизга ишонаман” [Postnikov A.V. On the goals and objectives of the Russian mission 1841-1842. in Bukhara // Problems of Oriental Studies 2012. No. 3. P.82-86.] Мазкур ҳужжатда, юқори мартабали тоғ-кон саноати раҳбарияти томонидан тайинланган қарорга кўра, хизмат ўтаётган жойидан Россиянинг чегарасига қайтиб келгунига қадар, чет элда таъминотингиз учун ойига 50 червон, лейтенант Богославский II 30 червон , 2та тоғ-кон муҳандиси ва штейгерга (кон ишини бошқарувчи мутахассис)- 5, иккита тоғ-кон корпуси маъмуриятидан усталарга - 3 червондан, қолган тоғ- кон ишчиларига олинган конларнинг ички ҳолатига кўра барча тоғ-кон даражаларини умумий белгиланган тартибда иш ҳақи берилганлиги кўрсатилган. Бундан ташқари, ҳар бир экспедиция аъзосига чет элда ишлаганлик учун маошининг ярим йиллиги ушлаб қолинмасдан берилган.

Келтирилган матн шундан далолат берадики, Бухоронинг табиий бойликларини ўрганиш, ҳолати ва ўзлаштириш билан боғлиқ бир мунча кенг доирадаги экспедиция ишлари жараёнида ўрганилиши керак эди. Экспедиция геологик ва ресурс тадқиқотлари билан бир қаторда савдо бозорларининг ҳолати, товарларнинг ҳаракати, Марказий Осиёда рус ишлаб чиқариш маҳсулотларига эҳтиёж, шунингдек, Ҳиндистондан Буюк Британияда ишлаб чиқарилган товарлар Осиё бозорларига кириб келганлик даражасига эътибор қаратишлари керак эди. Бу вазифаларнинг барчаси Россия Ташқи ишлар вазирлиги томонидан 1841 йил 6 мартда Николай I томонидан тасдиқланган "Бухорога кон муҳандислари корпуси томонидан юборилган подполковник Бутеневга кўрсатма" деб номланган ҳужжатда қайд этилган эди. Бутенев миссиясининг вазифалари, айниқса, ушбу йўриқномада куйидагича баён қилинганидек эди: « сизнинг Бухорога жўнатишингизнинг аниқ сабаби - Хоннинг унга тоғли қисми текшириш учун расмий хат билан этган илтимосини бажаришдир. Шу билан бирга, экспедицияга икки хил топшириқлар топирилган: Яъни, 1) Бухоро хонлиги ва унинг тасарруфидаги ерлари бойликлари тўғрисида ишончли ва ижобий маълумотларни тўплаш; 2) Бухоро ҳукмдори билан унинг Россия ҳукумати ўзаро муносабатлари тўғрисидаги қарорининг баъзи шартларини ишлаб чиқиш” масаласи юклатилади. К.Ф.Бутаковга Носируллоҳхон билан музокараларида кўпроқ ваколатли ишонч билдирилиши учун Россия ҳукуматининг тегишли рухсатномаси билан таъминланганлиги энг қулай ҳолат ҳисобланган.

К.Ф. Бутенев Зарафшон дарёси юқори оқимида тоғ-кон муҳандиси тошқўмир конлари, квасцли қўрғошин, темир купоросини конларини аниқлаган. Иш натижаси бир неча мақоаларда ўз аксини топган [Butenev K.F. Factory business in Bukharia // Mining Journal Part IV. Book. XI. - SPb. 1842 - S. 148-154].

К.Ф. Бутенев куйидагича изоҳлайди: «Бухорода ўша даврга нисбатан хунармандчилик ҳам жуда паст даражада турган пайтда, завод иши йўқ, қачонки маҳаллий ҳукмат шу йўсинда

ҳаракатсиз турур экан, бўлиши ҳам мумкин эмас» дейди. Давлат ҳисобидан бундай табиий бойликларни қайта ишлаш заводларни қуриш маҳаллий ҳокимият нечоғлик фойдали эканлигини кўра олмаяпти. Бундай заводларни қуришга маблағ ва қуришни биладиган кишиларни жалб қилмаяпти. Хусусий тадбиркорлар бундай хасис маҳаллий ҳукмдорлар ёнида заводлар қуришга журъат эта олмайди. Чунки уни фойдасини кузатса давлат ғазнасига олиб қўйишлари ҳеч гап эмас» - деб таърифлайди. К.Ф.Бутенев Бухоронинг менерал бойликларини баҳолар экан шундай дейди : «Шу пайтгача Бухоронинг тоғ конлари ҳали умуман ишлатилмаган»[Butenev K.F. On increasing sales of products of Russian mining factories to Bukharia. // Mining Journal Part IV. Book. XI. - SPb. 1842 .-- S. 168-175] .

К.Ф. Бутеневнинг миссияси кетишдан олдин, "бухороликлар характериға ва Россиянинг Марказий Осиёдаги эҳтиёжларига яқин бўлган амалдорни" таркибига киритиш тўғрисида буйруқ берилган. Шарқшунос олим Н.В.Ханыков (1822-1878) ана шундай мансабдор шахс сифатида тайинланган. Н.В.Ханыков Ўрта Осиё мавзусини узоқ вақт ўрган ва бундан ташқари, юқоридаги вазифани бажаришга кодир бўлган, форс тилини амалий биладиган Ташқи ишлар вазирлигининг Осиё бўлимида бўлган унвонли маслаҳатчи эди.... »[Postnikov A.V. On the goals and objectives of the Russian mission 1841-1842. in Bukhara // Problems of Oriental Studies 2012. No. 3. P. 84.]

Шундай қилиб, 1841-1842 йилларда. Оренбургдан Сирдарёга иккита миссия ҳаракатланган: биттаси - капитан Никифоров бошчилигида Хивага; бошқаси - кон муҳандиси Бутенев қўмондонлиги остида Бухоро борганлар. Уларга И.Ф.Бларамберг (1800-1878.) бошчилигидаги топографлар гуруҳи ҳамроҳлик қилган.

4. Хулосалар:

К.Ф.Бутенев экспедицияси билан боғлиқ материалларни таҳлил этар эканмиз, мазкур даврда Россия ҳукумати қуйидаги масалаларга катта эътибор берган:

- Бухоро хонлиги Россия савдо алоқаларида муҳим таъсирли ҳудуд бўлган Марказий Осиёдаги хонликлардан бири эканлиги таъкидланган ;
- Россия ва Бухоро хонлиги ўртасида савдони ривожлантиришда қайси йўл, усул ва восита самарали ва қулайлигини аниқлаш масалалари ўрганиш вазифаи қўйилган;
- Бухоро хонлигининг Ўрта Осиёдаги бошқа хонликлар Хива ва Қўқон хонлиги билан бўлган муносабати, уларнинг ўзаро алоқаларини ҳам аниқлашга ҳаракат қилинган ;
- Россияга нисбатан энг яхши муносабатда бўлган нуфузли, хайрихоҳ, сиёсий доирага таъсири бўлган, давлат ҳокимиятидаги масъул лавозим ва вазифаларидаги шахсларни аниқлаш каби маълумотларга алоҳида эътибор бериш, шундай шахсларни излаб топиш;
- Ўрта Осиё хонликларининг Қундуз, Қулум, Хитой Туркистони (Шарқий Туркистон) билан муносабатлари масалага доир маълумотлар тўплаш;
- Афғонистоннинг мазкур (1839-1840) йиллардаги сўнгги воқеалар ва Англиянинг Хитой билан муносабатларидаги узилишларининг бухороликларга таъсири, умуман бухороликлар инглизларнинг Осиёдаги ҳаракатлари ҳақида қандай тасаввурга эга эканлигини билиш;
- Бухоро орқали бошқа Осиё мамлакатлари билан тижорат алоқаларини ўрнатиш имкониятларини ўрганиш;
- Инглизлар ишлаб чиқариш товарлари Бухорога қайси йўллар кириб бормоқда ҳамда қандай инглиз товарларига эҳтиёж мавжудлиги, бу маҳсулотлар қандай нархларда ва қандай сотилаётганлиги ҳақида маълумотлар тўплашга кўрсатмалар берилган.

- Мазкур масалаларни барчасининг таҳлили асосида чор Россиясининг минтақадаги таъсирини, савдо муносабатларини кучайтириш, Ўрта Осиё бозорларини эгаллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишни вазифа қилиб қўйилган; Мазкур даврда Чор Россия ҳукуматини энг қизиқтирган мулклар Қўқон, Қундуз, Қулум мулкларини эканлиги алоҳида қайд этилади. Маълумки, мазкур маълумотлар йиғилгандан кейин 1852 йил Қўқон хонлиги чегараларига чор Россиясининг босиб олиш учун бўлган жангавор ҳаракатлари бошланган. К.Ф. Бутенев экспедициясига топширилган топшириқ ва вазифалардан англашиладики, мазкур даврда

Ўрта Осиёда инглиз – рус рақобати кечган. Мазкур ҳамкорлик нафақат илмий балки сиёсий мақсадларни ҳам кўзлаган эди.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, ўз вақтида давлат ҳуқумдори бўлган Насруллоҳхон мамлакатнинг ҳудудий имкониятларини, табиий бойликларини халқнинг турмуш шароитини яхшилаш, жамиятни янада тарққий эттиришга интилиш, ўз юртида sanoatlashтириш учун хом ашёдан, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, замонавий технология ва мазкур давр учун илғор фан ютуқларини ўзлаштиришни мақсад қилган бўлса ажабмас. Насруллоҳхон шу мақсадда масаланинг ечимини мамлакатни ўз қобигига ўралган биқикиликда эмас, балки хорижий мамлакатлар ҳамкорлигида кўрган. Бундай интилишлар баъзи йўқотишларга, сир олдиришларга сабаб бўлган бўлсада, мамлакатда геология қидирув ишларининг жонланишига сабаб бўлган. Шу кунгача мавжуд манбалар маълумотларига кўра, ҳатто Ўрта Осиё хонлари Европа ҳудудидаги айрим жойларни эгаллаш асносида қўлга киритган бой китоблар хазинасига эга Усмонлилар давлатига геологияга оид китоблар борасида ҳамкорлик ўрнатиш таклифлари билан чиққанлиги хусусида маълумотлар мавжуд.

Иқтибослар/Сноски/ References

1. Постников А.В. О целях и задачах российской миссии 1841-1842 гг. в Бухару // Проблемы востоковедения 2012. № 3. С.82-86. (Postnikov A.V. On the goals and objectives of the Russian mission 1841-1842. in Bukhara // Problems of Oriental Studies 2012. No. 3. P.82-86.)
2. Мирзо Олим Махдум хожи. Тарихи Туркистон. – Тошкент. “Янги аср авлоди”наширёти, 2009. - Б. 186(Mirzo Olim Mahdum Haji. History of Turkestan. - Tashkent. “Yangi asr avlodi” Publishing House, 2009. - B. 186.)
3. Бутенев К.Ф. Заводское дело в Бухарии // Горный журнал Ч.IV. Кн. XI. – СПб. 1842. – С. 148-154;(Butenev K.F. Factory business in Bukharia // Mining Journal Part IV. Book. XI. - SPb. 1842 - S. 148-154)
4. Бутенев К.Ф. Монетное дело в Бухарии // Горный журнал Ч.IV. Кн. XI. – СПб. 1842. – С. 154-156; (Butenev K.F. Mining in Bukharia // Mining Journal Part IV. Book. XI. - SPb. 1842. - S. 154-156)/
5. Бутенев К.Ф. Об увеличении сбыта изделий русских горных заводов в Бухарию. // Горный журнал Ч.IV. Кн. XI. – СПб. 1842. – С. 168-175. (Butenev K.F. On increasing sales of products of Russian mining factories to Bukharia. // Mining Journal Part IV. Book. XI. - SPb. 1842. -- S. 168-175.)

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

№SI-3 (2020)

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000